

2024 йил - ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

MARKAZIY FARG'ONA

YOZYOVON
TUMANI
HOKIMLIGINING
GAZETASI

Агар
жамият
ҳаётининг
танаси
иқтисодиёт
бўлса,
унинг
жони ва руҳи
маънавиятдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Gazeta 1953-yil 9-iyuldan chiqa boshlagan www.markaziyfargona.uz 2024-yil, 24-yanvar, chorshanba № 2 (7574)

РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ ТУМАНИМИЗДА

Айни кунларда Ёзёвон туманида аҳоли муаммолари ва уларни ҳал этиш чора-тадбирлари, фуқаролар бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳ томонидан тумандаги қизил ҳудуд ҳисобланган маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит, аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш каби бир қатор масалалар ўрганилапти.

Асосий мақсад халқ розилигини таъминлашга қаратилган ўрганишларда аниқланган муаммоларнинг айримлари жойнинг ўзида эчим топаётган бўлса, қолганларини ҳал этиш юзасидан аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинапти.

Республика ишчи гуруҳи фаолияти ҳақида келгуси сонда батафсил маълумот берамиз.

ЁЗЁВОН РАҚАМЛАРДА

2024 йил 1 январь ҳолатига Ёзёвон туманида рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 1 451 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Шундан:

Фаолият юритаётган корхоналар – 1 106 та
Янги ташкил этилган корхоналар – 252 та

Иқтисодий фаолият турлари бўйича:

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжаликлари – 94 та
Саноат – 210 та
Қурилиш – 101 та
Савдода – 354 та
Ташиш ва сақлаш – 23 та
Яшаш ва овқатланиш хизматлари – 40 та
Ахборот ва алоқа – 5 та
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 23 та
Бошқа турдаги хизматлар – 256 та

Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича:

Масъулияти чекланган жамиятлар – 651 та
Хусусий корхоналар – 172 та
Оилавий корхоналар – 61 та
Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар – 5 тага тўғри келди.



"МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" кимлар ва уларнинг вазифалари билан танишинг!



Давлатимиз раҳбарининг топишириги билан маҳаллаларда "еттилик" фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга қўйидаги асосий вазифалар юкланган.

Маҳалла раиси – эҳтиёжманд оилаларга уй-жойини яхшилашга кўмаклашиш.

Ҳоким ёрдамчиси – ишсизларга иш топишга кўмаклашиш.

Ёшлар етакчиси – ёшларни спорт, мусиқа ва тўғаракларга жалб этиш.

Хотин-қизлар фаоли – аёлларни тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчиликка жалб қилиш.

Профилактика инспектори – маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз

муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш.

Солиқ ходими – маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш.

Ижтимоий ходим – ёлғиз кекса, ногирон ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш каби аниқ вазифалар билан шуғулланишдан иборатдир.

Албатта, маҳалла "еттилиги" ўз вазифаларини кенг жамоатчилик, фаоллар билан амалга оширди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ёзёвон тумани жиноятчиликка қарши курашувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сектор раҳбарлари, прокуратура ходимлари, ИИБ шахсий таркиби, маҳалла еттилиги, тегишли ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилишни туман ҳокими ввб Акрамжон Эралиев очди. Туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Жаҳонгир Акбаров бугунги йиғилишда туманда криминоген вазиятни барқарор сақлаш, жиноятларни олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ эркинликларини тўлақонли таъминлаш, жамиятимизда маънавий соғлом муҳитни шакллантириш, шунингдек ижтимоий барқарорлик ва жамоат хавфсизлигига бевосита алоқадор бўлган долзарб масала

кўрилишини таъкидлади.

Туман прокурори ўринбосари Музаффар Эгамов "2023 йил давомида Ёзёвон тумани ҳудудида содир этилган жиноятларнинг ўсиши сабаблари ва унинг таҳлили, бу борадаги прокурор назорати аҳволини ўрганиш натижалари муҳокамаси тўғрисида" маъруза қилди.

Туман прокурори маърузада тилга олинган рақамларга эътибор қаратиб, уларни таҳлил қилиб берди.

Йиғилиш якунида ўз ҳудудида жиноятчилик содир этилишини олдини олган МФИ раислари ва профилактика инспекторлари туман ҳокими ташаккурномаси ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ.

"ЮКСАЛИШ" ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТГА АЙЛАНДИ

Харакат Ўзбекистондаги ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш учун фуқаролар, давлат ва жамоат арбоблари, академик доиралар, бизнес ҳамжамияти, ННТлар вакиллари, хориждаги ватандошларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиришни мақсад қилган.



Бугунгача ҳаракат ташаббуси билан Марказий Осиё мустақил экспертлари платформаси, минтақа ННТларининг биринчи академияси ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳамда Туркиянинг иккита шаҳри «қардош шаҳарлар» мақомига эга бўлди.

2024 йилдан «Юксалиш» ҳаракати халқаро ташкилот сифатида минтақа ва ривожланган мамлакатлардаги жамоат институтлари, «ақл марказлари» ҳамда сиёсий доиралар билан алоқаларни ривожлантиришга, «мулоқот майдонлари»ни яратишга кўмаклашишни режалаштирган.

УСТОЗЛАР ХУРСАНД БЎЛИШДИ

Туман ҳокими ташаббуси билан тузилган фахрий устозлар гуруҳи аъзоси сифатида қатор мактабларга боришга тўғри келади. Чопқилиқ қишлоғидаги 8-мактабда бўлиб, ўқувчилар давоматини ўрганиб, дарсларни кузатдим. Бу икки масала юзасидан тўхталмоқчи эмасман. Ўрганишлардан сўнг, албатта йиғилиш ўтказилади. Унда мактабдаги 17 нафар ўқитувчи қатнашди.

Йиғилишда бор гап айтилди. Устозлар хурсанд бўлишди. Ҳатто тез-тез

келиб турунг, дея таклифлар бўлди. Тарих ўқитувчиси Қўчқоров "мактабга кўп текширувчи келади. Улар асосан давомат билан шуғулланишади. Фахрий устозлар эса ўқувчилар билими, келажакда қайси касбларни эгаллаши ва бошқалари билан қизиқишади, деди. Бу бизни ҳам хурсанд қилди", деди. Биз ҳам устозларни хурсандлигига шерик бўлиб, яхши кайфиятда қайтдик.

Аҳмаджон ИСМОИЛОВ,
фахрий устоз.

ЗУККО 1-СИНФЛАР



Мактаблардаги сифатли таълим кўп жиҳатдан яратилаётган дарсликларга боғлиқ. Бошланғич синфлар дарсликлари тубдан янгилангани нафақат ўқувчи ва устозларни, балки ота-оналарни ҳам қувонтирди ҳам ўйлантирди.

2023-2024-ўқув йилида тақдим этилган дарсликлар аввалгилардан нимаси билан фарқ қилади? Китобнинг кўриниши ва ранг-баранг суратлари ҳар бир ўқувчини ўзига торта олди. Ўқитувчини эса ҳайратга солади. Китоб ичидаги мавзулар болаларни ҳаёт билан боғлайди. Топшириқлар бошида мураккаб туюлсада, лекин зукко 1-синфлар буни уйдлашди. Улар келажакда дарсликлардан олган билим ва маълумотларни ҳаётда қўллай оладилар.

Одинахон ҚЎЧҚОРОВА,
16-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

КУТУБХОНА – НУРХОНА



Ёш авлоднинг маънавий камол топишида кутубхоналар фаолиятининг ўрни катта. Сўнгги йилларда кутубхона тизимига эътибор кучайтирилиб, соҳага оид бир қатор ижобий ишлар илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2023 йил 19 сентябрдаги 329-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 2023 йил 5 октябрдаги 159-сонли буйруғига асосан, умумтаълим мактаблари кутубхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кутубхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

2-мактабда барча мактабларнинг кутубхоналари учун 9 номдаги "Библиотечка" жамланмаси, яъни жамланма китоби, инвентарь китоби, кундалик дафтари, китобхон формуляри, "чўнтакча", алифболи қарточка, қайтарув варақаси, тўплам ғилофи кутубхоначиларга топширилди.

Тадбирда туман ММТБ мудир Фозилжон Юлдашев, вилоят болалар кутубхонаси вакили Наргиза Мирзакаримова иштирок этишди.

Бу каби эътибор кутубхоначиларининг ишларига қулайлик яратиб, самарадорликнинг янада оширилишида хизмат қилади.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

ЯХШИ БАҲОЛАНДИ

34-мактабда Тошҳовуз МФЙ профилактика инспектори, катта лейтенант Ҳаётбек Холбековнинг 2023 йил давомида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисобот берди.

Профилактика инспектори 2023 йилда жиноятчилик ўтган йилларга нисбатан камайганини айтиб, маҳаллада профилактик тадбирлар мунтазам ўтказиб борилгани, маҳалла бешлиги томонидан аҳоли хонадонлари индивидуал ўрганилиб, суҳбатлар ўтказиб борилгани бунинг махсули эканлиги таъкидланди.

Шунингдек маҳалла ҳудудига бириктирилган туман ИИБ ИХХ инспектори Эркинжон Ҳомидов йўлларда юрадиган пиёда, велосипед,

мото, автотранспорт эгаларини йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини сўради. Бу билан оиламиз ва маҳалла тинч бўлиши айtilди. Маҳалла фаоллари ҳам ўз сўзларида маҳалла профилактика инспектори томонидан амалга оширилаётган ишларни яхши баҳоладилар.

Йиғилишда МФЙ раиси, туман ИИБ ходимлари, ДСИ ҳамда аҳоли вакиллари иштирок этишди.

Худди шундай тадбирдан яна бири 3-мактабда ўтказилди. Унда Наврўз МФЙ профилактика инспектори, лейтенант Қудратилло Нурматов маҳалла фаоллари ҳузурида ҳисоб берди.

ФЕРМЕР МУЛКИ ХАТЛАНДИ

Солиқлар – давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишда энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, бу тўловларни ўз муддатида ва тўлиқ тўлаб, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшади.

Бюронинг Езевон туман бўлими иш юритувиги Фарғона вилояти ДСБнинг 2023 йил 7 июлдаги қарздор "Ҳамкор намуна" фермер хўжалигидан ундирувчи ДСИ фойдасига 82 608 273 сўм солиқ қарздорлиги ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлим иш юритувиги келиб тушган. Давлат ижрочиси томонидан ижро иши қўзғатилган. Давлат ижрочиси томонидан қарздор бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай солиқ қарзини тўлашдан бўйин товлаб келган. Натижада фермер хўжалигига тегишли бўлган зичлаб боғлагич ускунаси хатланди.

Келгусида қарздор солиқ қарзини



тўламаган тақдирда ушбу хатланган ускунани онлайн аукционга чиқарилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Юртдошларимизга эслатиб ўтмоқчимиз, солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлаш – фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлардан биридир.

Акрамжон АБДУЛЛАЕВ,
туман ИИБ давлат ижрочиси.

ХОНОБОД КАНАЛИ БЕТОНЛАШТИРИЛЯПТИ

Хонобод канали ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида қазилган. Катта Фарғона канали ва Ёзёвонсойдан сув олувчи бу каналдан туманимиздаги 76 та фермер хўжалиklarининг 7960 гектар экин майдони ва аҳолининг 400 гектардан зиёд томорқалари суғорилади. Бундан ташқари Тошлоқ, Қўштепа туманлари фермерлари ҳам каналдан фойдаланишади. Канал қирғоқларига дарахтлар экилиши натижасида йиллар давомида торайиб, ўзани чуқурлашиб кетган. Қолаверса, канал бошида 10 куб метр сув очилса, унинг ярмидан кўпи йўқотиляпти.

Сув тақчил бўлаётган бир пайтда бу талабга жавоб бермайди. Каналнинг 13,5 км ҳудудини бетонлаштириш учун давлат бюджетидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди. "Бағдод сув пудрат" ДУКка бетонлаштириш ишларини бажариш топширилди. Айни пайтда тўртта ДУК қурувчилари томонидан бетонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Хонобод канали бетонлаштириш янги йил арафасида бошланганди. Бу хайрли иш бошланишида вилоят, туман раҳбарлари, сув хўжалиги



мутасаддилари, нуронийлар жамланиб, дуолар қилинган.

— Канал реконструкцияси учун катта маблағ ажратиб берилгани учун Президентимизга раҳмат, — дейди туман ирригация бўлими махсус бўлим бошлиғи Юсуфжон Холматов. — Канал бетонлашгач, сув йўқотилмайди.

Канал реконструкциясини тугатиш вегетация давригача режаланган. Бу иш бажарилгач, сув таъминоти яхшиланиб, ҳосилдорлик ортади, албатта.

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ.
Аҳмаджон РАҲМОНҚУЛОВ
олган сурат

2024 йил – Ёшлар ва бизнесни
қўллаб-қувватлаш йили

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўтган 2023 йилда ёшлар ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилди. Туманимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 28 минг 813 нафарни ташкил этади. Улардан 608 нафари "оғир" тоифага киритилган бўлиб, 516 нафарига турли ёрдамлар берилди. Жумладан ишга жойлашишига кўмаклаш, тадбиркорлик қилишлари учун имтиёзли кредит маблағлари ажратиш, турли меҳнат қуроллари билан таъминлаш, соғликларини тиклашлари учун модий ёрдам, ногиронлиги бор ёшларга тиббий анжомлар олиб бериш, контракт пулларини тўлаб бериш ва шунга ўхшаш бошқа муаммолари ижобий ҳал этилди.

Туманимизда ўтган йили олиб борилган хатлов давомида хорижга кетган

1 минг 70 нафар ёшлардан 997 нафари ишлаш учун, 73 нафари ўқиш учун кетганлиги онлайн суҳбатларда маълум бўлди.

2023 йилда 1244 нафар ёшлар "Ёшлар дафтари"га киритилган бўлиб, уларнинг муаммолари атрофлича ўрганилиб, ечими аниқланди. "Ёшлар дафтари" жамғармаси томонидан 1098 млн. сўм маблағ сарфланиши белгиланди. Ушбу маблағ ҳайдовчилик курсида ўқишлари, асбоб-ускуналар олиб бериш, олий ўқув юртларига кирганларнинг контракт тўлови, Беш ташаббус" тадбирлари ва шунга ўхшаш масалалар учун сарфланди.

Президентимиз томонидан 2024 йил – "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинган ёшлар билан ишлашни янги босқичга олиб чиқишига ишонамиз.

Статистика

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ дастурида қандай саволлар ўз аксини топган?

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартдаги "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасига асосан Аҳолини рўйхатга олиш дастурида фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, ёши, жинси, миллати, фуқаролиги, яшаш жойи (турган жойи), тилларни билиши, маълумоти, никоҳ ҳолати, болаларининг сони, уй хўжалиги таркиби, уй-жой шароитлари, бандлиги, яшаш учун маблағлар манбалари, миграция (ички ва ташқи). каби саволлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, аҳолини рўйхатга олиш дастурига қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин. Жавоблари давлат сирларига ва қонун билан кўрикланадиган бошқа сирга тааллуқли ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи саволлар киритилишига йўл қўйилмайди. Рўйхатга олиш варағининг шакллари Аҳолини рўйхатга олиш дастури асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби қандай амалга оширилади?

Шахсга доир маълумотларни йиғиш мазкур қонуннинг 23-моддасида белгилаб қўйилганидек, респондентлар яшайдиган (турадиган) турар жойларни ва бошқа хоналарни айланиб чиқиш чоғида ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган



хоналарда респондентлар сўровини ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш варақларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Респондентлар сўрови давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин.

Рўйхатга олиш варақлари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентларнинг сўзлари асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддати ичида яшаш (турган) жойида ҳозир бўлмаган ёки вояга етмаган шахслар бўлган респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар улар уй хўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади.

Алишер АРАПОВ,
туман статистика бўлими
бошлиғи.

ЁЗЁВОННИНГ ЮЗИ



МФЙ биносида маҳалла ташвишлари билан шуғулланиб ўтирсан, "Марказий Фарғона" ходими доимгидек газетанинг янги сонини олиб келди. Хурсанд бўлиб, кўлимга олдимда, у кишининг кўлидаги олганлигимни тасдиқловчи қоғозга "Баҳор МФЙ" ёзуви рўпарасига имзо қўйдим.

Шунда газетани ўқидан олдин ўйладим. "Марказий Фарғона" газетаси Ёзёвоннинг юзи, ғурури, ори бўлгани сабаб, баъзи туманлардагидек нашр этилиши тўхтаб қолмаган. Асли иқтисодчи сифатида ҳисоб-китоб қилганда, туман газетасини олиб келиб, обуначининг кўлига топшириб кетиш ҳамда қоғоз, ранг, босмаҳона, транспорт ва бошқа газета тайёр ҳолга келиши катта меҳнат ва маблағ эвазига эканлигини яхши биламан.

"Марказий Фарғона" газетаси тумандаги янгиликларни, юртдошларимизга етиб бориши зарур бўлган воқеа-ҳодисаларни, Ёзёвондаги мисли кўрилмаган ўзгаришларни халқимизга етказиб, нафақат вилоят, балки республикада обрў топган газеталар сирасига қиради.

Албатта, газетамизни

фахрланиб ўқиб, керак бўлса фаолиятимиз жараёнида ундаги маъноли, мазмунли ўғитлардан фойдаланишимизга сабабчи бўлаётгани учун таҳририят ходимларига раҳматлар айтсак арзийди.

Суриштирдим, газетамиз обунаси вилоятда энг арзон экан. 200 минг сўм билан обуна бўлсак, йил давомида газетамизни етказиб беришади.

Маҳалламизда 2023 йилда эришган ютуқларимизда, муаммоларимизнинг ечимини топишимизда, халқ билан бевосита ҳамнафас бўлишимизда катта ёрдам бериб, йўл кўрсатган "Марказий Фарғона" газетаси жамоасига раҳматлар айтаман.

2024 йилда ҳам таҳририят ходимлари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориб, маҳалла ахли, тадбиркорларимиз "Марказий Фарғона" газетасига обуна бўлишяпти.

Касбдошлар, юртдошлар! "Марказий Фарғона" газетасига обуна бўлинг! Бу билан уйингизга маърифат олиб кирган бўласиз.

Махфузахон МАМАЖОНОВА,
Баҳор МФЙ раиси.

Янги китоб тақдироти


МАКТАБ ЯРАТГАН УСТОЗ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, мазкур уюшма аъзоси Муҳаммаджон Обидовнинг "Кусто оролида 10 кун" номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, атоқли шоир Салим Ашур адабиёт ва журналистика бир-бирини ўзаро бойитувчи соҳалар экани, кўплаб устоз ижодкорлар бу жабҳаларда самарали фаолият кўрсатаётганини таъкидлади.

— Бу китоб муаллифнинг теран таҳлил этиш салоҳиятини кўрсатиши билан бирга, айниқса, журналистика, адабиёт, публицистика сабоқларини олаётган ёшлар учун ўзига хос дарсдир, — деди Салим Ашур. — Китобда илгари сурилган ғоялар бугун ижодкор зиёлиларни ўйлантираётган масалаларга жавоб, дейиш мумкин.

— Газета, журналда, телевидениеда ишлаб, мактаб яратишнинг ўзи бўлмайди, — деди устоз журналист, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. — Ҳар қандай маҳоратли журналист агар муттасил хонадан чиқмай ишласа ҳам, барибир унинг тафаккури дунё қадар бўлмайди. Муҳаммаджон Обидов ўттиздан ортиқ давлатларда



бўлиб, оғир видеокамералар билан журналист қандай бўлиши керак, журналистик материал қандай тайёрланиши кераклигини исботлади. Унинг ёзганлари саргузаштларга бой. Аслида дунё адабиёти саргузаштлар тенденциясига таянади. Муҳаммаджон Обидов турли тақдирли одамлар билан қандай гаплашишни билади. Уларнинг ҳолати, кайфиятини чуқур ўрганибгина, кейин яхши ёзиш мумкинлигини исботлади. Муҳаммаджон Обидовдек сафдошим борлигидан жуда фахрланаман. Унинг юрагидаги чўғ сира ўчмасин!

— Муҳаммаджон Обидовни камида 50 йилдан бери биламан, — деди таниқли ёзувчи ва журналист Хуршид

Дўстмуҳаммад. — У саргузашт одами, унинг ҳаёти саргузаштли. Барча ишларни рисоладагидек, батафсил бажаради. Унинг кўрсатувлари халқ эътиборига тушган. "Ахборот" информацион дастурида ўзига хос мактаб яратган ижодкор. Унинг лавҳалари одамларнинг уйқусини қочиради. Бугун тақдимоти ўтказилаётган китоб журналистлар учун ўзига хос намунадир.

Дарҳақиқат, Муҳаммаджон Обидовнинг "Кусто оролида 10 кун" номли китоби журналистнинг реал ҳаётдаги воқеликка асос қилиб олинган. Муаллиф ушбу асарда драматик ҳолатлар яратади ва улар орқали бир неча минг йиллар аввалги ҳаёт тарзини кечириётган оролликларга бугунги замондош нигоҳи билан қарайди. Китобни ўқиб, меҳр-оқибат, вафо, одамгарчилик каби инсоний туйғулар вақт билмаслигини, бу олижаноб туйғулар ер юзиде ҳаёт бошланганидан то қиёмат қадар абадий бардавом эканини англаймиз.

"Кусто оролида ўн кун" номли китоб тақдимоти жуда самимий, жўшқин руҳда ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
УзА.

Муҳокама учун мавзу

БИРГАЛИКДА КУРАШАЙЛИК!

Эрталаб ишга келаётиб, ҳокимият эшиги тагида тез-тез таниш "чеҳралар"га кўзимиз тушади. Улар кимлар, деярсиз?

Йиллар давомида ҳокимият эшиги тагига ётволлиб, ундириш мумкин бўлган барча ёрдамларни олишга устасифаранглар, улар. Бу шахслар республика, вилоят миқёсидаги қабуллардан ҳам қолишмайди, етиб боришади.

Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бу боқимандалик касалига учраганлар билан кескинроқ йўл билан курашиш керак. Қариндош-уруғ, ОАВ ходимлари, маҳалла жамоатчилиги вакиллари иштирокида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унча-мунча жазо булар учун таъсир қилмайди.

Вилоят телевидениеси орқали ҳар яшанба "Сабоқ" кўрсатуви эфирга узатилади. Таниқли бошловчи Авазбек Эгамбердиев муаллифлигидаги бу кўрсатувда ногирон юртдошларимиз томонидан амалга оширилаётган

ишлар кўрсатилади. Кўрсатув қаҳрамонларидаги интилиш, шижоатни кўриб, барақалла, дейсиз. Ёки ногирон бўлишига қарамай ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, ишчи ўринлари яратган Ҳонобод ва Сойбўйидаги опалар кўз олдимизга келади. Бу опалар Президентимиз томонидан "Жасорат" медали билан тақдирланишган.

Шу ўринда баъзи маҳалла раисларига ҳам айтар гапимиз, сиз ҳокимият ва халқ ўртасида кўприк бўлинг. Шундай раисларимиз бор, фуқаролар муаммосини маҳаллада ҳал қилади. Раҳмат айтасиз, уларга. Ҳақиқий раис. Маҳалла аҳлининг хурматини қозонган.

Айтмоқчи бўлганимиз, — бундай боқимандаликка биргаликда курашайлик.

Сиз нима дейсиз?

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ,
журналист.

ҲИСОБОТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИНГ

Туманимизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик 1-фх шакли 2023 йил учун давлат статистика ҳисоботини 2024 йилнинг 27 февраль санасидан кечиктирмай eStat 4.0 дастури орқали тақдим этишлари зарур. Ҳисоботни ўз вақтида топширишингизни сўраймиз.

Мансабдор шахсларнинг статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этиш тартибига риоя этмаслиги, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки уларни вақтида тақдим этмаслиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида эслатиб ўтамиз.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

Эълон

Urug'lik paxta, sabzavot, poliz, moyli, dukkakli va boshqa ekinlar urug'chiligi bilan shug'ullanuvchi sub'ektlar rahbarlari diqqatiga!

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "Qishloq xo'jaligi ekinlari urug'chiligini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-106-sonli qarori hamda Qishloq xo'jaligi vazirligining 2024-yil 11-yanvardagi 06/22-04/77-sonli xabarnomasiga asosan 2024-yilning 13-fevral kuni Yozyovon tumani qishloq xo'jaligi bo'limi binosida urug'lik paxta, sabzavot, poliz, moyli, dukkakli va boshqa ekinlar urug'chiligini yetishtirish huquqini qo'lga kiritish uchun sub'ektlar o'rtasida tender tanlovi bo'lib o'tadi.

Tanlovda qatnashish istagini bildirgan fermer xo'jaliklar rahbarlari quyidagi hujjatlar to'plamini 2 nusxada tuman qishloq xo'jaligi bo'limida tuzilgan tanlov komissiyasiga 5-fevral kuni qadar taqdim qilishlari so'raladi.

1. Tender komissiyasi nomiga ariza.
2. F/x nomidan tilxat.
3. Tuman qishloq xo'jaligi bo'limining ma'lumotnomasi (yer maydonlarining tuproq unumdorligi (ball boniteti) hamda so'ngi 3 yil ichida paxta va g'alla hosildorligining o'rtacha ko'rsatkichi to'g'risida ma'lumotnoma.)
4. Irrigatsiya bo'limi ma'lumotnomasi (yer maydonlarining suv ta'minoti bilan ta'minlanganligi).
5. O'simliklar karantini va himoyasi tuman bo'limidan ma'lumotnoma (so'ngi 3 yil ichida paxta va g'alla maydonlari kasalliklarga chalinganligi, zararkunandalar bilan zararlanganligi, begona o'tlar tarqalganligi to'g'risida).
6. Tuman aholi bandligiga ko'maklashish markazi ma'lumotnomasi (talabgorning ma'lumoti, mutaxassisi va qishloq xo'jaligi sohasidagi umumiy ish staji to'g'risida).
7. O'zagroinspeksiyasi tuman bo'limi tomonidan berilgan ma'lumotnoma hamda texpasport nusxasi. Hujjatlarni qabul qilish 2024-yilning 5-fevral kuni 18:00 da to'xtatiladi. Qo'shimcha ma'lumotlar uchun: 90-106-00-10 yoki 90-406-15-45 telefon raqamlariga murojaat qilishingiz mumkin.

TUMAN QISHLOQ XO'JALIGI BO'LIMI.



Бош муҳаррир
Азимжон
ХУДОЙҚУЛОВ

Фарғона вилоят
матбуот ва
ахборот бошқар-
масида 2007 йил 9
январда
12-011 рақам билан
рўйхатдан ўтган.
Бичими А-3.

ISSN 2010-7986



Газета ҳафтада бир
марта чиқади

Газета
тахририятига
юборилган
сурат ва
қўлёзмалар
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
150600, Ёзёвон
шаҳарчаси,
Мустақиллик
кўчаси, 1-уй

ТЕЛЕФОН:
(73) 412-15-75

Навбатчи:
Раҳматилло
ШОДМОҢОВ

«ZAKOVAT
NASHRIYOT UYI» МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили:
Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси-17

Бичими: А-3.
Адади: 2635
Нашр
кўрсаткичи: 488.

Буюртма № ____
Босишга
топшириш вақти:
20.00.
Топширилди:
18.00.

Газета сифати
учун босмахона,
масъул.
Сотувдаги баҳоси
эркин нархда.
© -тижорат
материали